

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА  
ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА  
ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**234** **Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2222-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4906-сон «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4960-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари пенсионерларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси қарор қиладилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 30 мартдаги 27, 26, 2, 84, 126, 01-02/5-31-сон қарори (рўйхат рақами 2222, 2011 йил 30 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 18-сон, 183-модда) билан тасдиқланган Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 13 март,  
27-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

**14 (774)-сон**

— 251 —

**234-модда**

**Ички ишлар вазири**

**А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 13 март,  
7-сон

**Мудофаа вазири**

**К. БЕРДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 13 март,  
8-сон

**Фавқулодда вазиятлар  
вазирининг биринчи ўринбосари**

**К. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 13 март,  
2-сон

**Миллий хавфсизлик  
хизмати раиси**

**Р. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 13 март,  
37-сон

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**М. ТОХИРИЙ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 13 март,  
01-02/5-13-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги,  
Мудофаа вазирлиги, Фавқуллода вазиятлар  
вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва  
Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил  
13 мартдаги 27, 7, 8, 2, 37 ва  
01-02/5-13-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. 2-бандда:

«д» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳудудий кенгашлари раисларининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг раисларига;»;

қўйидаги мазмундаги «ж» кичик банд билан тўлдирилсин:

«ж) Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг барча ходимларига.»

2. I боб қўйидаги мазмундаги 2<sup>2</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«2<sup>2</sup>. 2017 йил 1 апрелдан бошлаб қўйидаги пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси, олий ҳарбий таълим муассасалари ўқитувчилари ва илмий ходимлари;

ҳарбий-академик лицейлар раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва ўқитувчилари, шунингдек республика академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг бошланғич ҳарбий тайёргарлик бўйича раҳбарлари;

ҳарбий-саноат комплексининг таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлари жумласига кирадиган мутахассислари сифатида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ҳарбий хизматчиларига;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг:

Миллий хавфсизлик хизмати институти, Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истикболни белгилаш олий мактаби, Махсус тайёргарлик ўқув маркази, Радиоэлектрон тизимлар ва ахборот технологиялари маркази, шунингдек Фавқуллода вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти, аҳоли ва раҳбар ходимларни тайёрлаш ҳудудий марказлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа олий ҳарбий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва илмий ходимлари;

**14 (774)-сон**

**— 253 —**

**234, 237-моддалар**

республика академик лицейлари ва касб-ҳунар коллежлари маънавият ва маърифат ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари ва тарбиячилари;

ҳарбий-саноат комплексининг таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлари жумласига кирадиган мутахассислари сифатида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ҳарбий хизматчилари ва ходимларига.

Пенсияларни тўлаш тўлиқ миқдорда, агар юқорида кўрсатиб ўтилган фаолият ҳарбий пенсионернинг ягона иш жойи бўлган тақдирда амалга оширилади.».

3. 18-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.